




СБОРНИК ТЕЗИСОВ

**МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ:
«СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ
РАЗВИТИЯ ИНФЕКТОЛОГИИ,
МЕДИЦИНСКОЙ ПАРАЗИТОЛОГИИ,
ЭПИДЕМИОЛОГИИ И
МИКРОБИОЛОГИИ»**

4-5 апреля
2023 года
Ургенч



Министерство здравоохранения
Республики Узбекистан

Ташкентская медицинская академия

Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии

Международная общественная организация
«Евро-Азиатское общество по инфекционным болезням»

Министерство здравоохранения
Республики Каракалпакстан

Федеральное бюджетное учреждение науки
Московский научно-исследовательский институт
эпидемиологии и микробиологии имени Г.Н. Габричевского

**Сборник тезисов международной
научно-практической конференции
«Современные тенденции развития
инфектологии, медицинской паразитологии,
эпидемиологии и микробиологии»**

4-5 апреля 2023 г.

Город Ургенч



СУВЧЕЧАКНИ БОЛАЛАР ВА КАТТАЛАРДА КЕЧИШНИ ҚИЁСИЙ ТАХЛИЛИ

Солижонов Ш.Э.¹, Ташпулатова Ш.А.², Максудова З.С.²,

Атаходжиева Б.М.¹, Атаходжиева А.М.¹

¹Андижон Давлат тиббиёт институти, ²Тошкент тиббиёт академияси

Тадқиқотнинг мақсади катталар ва болаларда сувчечакнинг клиник кечиш хусусиятларини қиёсий равишда ўрганиш.

Материал ва усуллар: Андижон вилояти юқумли касалликлар шифохонасида сўнгги 5 йил (2018-2022 йиллар оралиғидаги) ичида сувчечак ташхиси билан даволанган 234 нафар беморларнинг проспектив тадқиқоти (ҳолат-ҳолат) ўтказилди. Беморларнинг катта қисмини (62,0%) 18 ёшгача бўлган болалар ташкил қилди, қолган 38,0% катталар бўлди. Болалар ва катталар гуруҳида гендер фарқ кузатилмади. Тадқиқотда олинган натижаларга медстатистика калькулятори (medstatistic.ru/calculators) ёрдамида статистик ишлов берилди.

Олинган натижалар: болалар касалхонага асосан тана ҳароратини кўтарилиши (82,1%), ҳолсизлик (100,0%), иштаҳа пастлиги (70,3%), терига тошма тошиши (100,0%) каби шикоятлар билан келган. Катталарда ҳам асосий шикоят терига тошма тошиши (100,0%), иситма (100,0%), иштаҳа пастлиги (100,0%) бўлган, шу билан бирга яна кўнгил айниш (12,4%), қайт қилиш (6,7%) ҳам безовта қилган. Катталарда касаллик болалардан ишонарли фарқ билан 100,0% ҳолатларда иситма ($\chi^2=145,6$; $p<0,001$) ва 12,4% ($\chi^2=15,3$; $p<0,001$) ҳолатларда интоксикация симптомлари устунлиги билан кечди, яъни катталарда иситманинг кузатилиш эҳтимоли болаларга нисбатан 19 баробарга (ИН=19,445; 95% ИИ 2,5-146,2), кўнгил айнашининг кузатилиш эҳтимоли 20 баробарга (ИН=20,168; 95% ИИ 2,55-159,1) ҳамда қайт қилиш (ИН=10,337; 95% ИИ 1,2-87,3) ($\chi^2= 6,9$; $p<0,01$) 10 баробарга юқори бўлди. 89 нафар катталарнинг 26 (29,2%) нафариди сувчечак оғир шаклда кечди, болаларда эса ушбу кўрсаткич 7,6% (11) ташкил қилди, қолганларида ўртача оғир шакл ташхисланди, иккала гуруҳ беморлари ўртасида касалликнинг енгил шакли кузатилмади. Катталарда сувчечакни оғир шаклда кечиш эҳтимоли болаларга нисбатан 5 баробарга юқори бўлди (ИН=5,02; 95% ИИ 2,3-10,8), яъни катталарда ишонарли равишда оғир кечиш кўп кузатилди ($\chi^2= 17,8$; $p<0,001$). Сувчечак тошма элементлари тахлил қилинганида, катталарнинг 55 (61,8%) нафарига мономорф бўлган пуфакчалар (везикула) хос бўлди, 43 нафар беморларга эса полиморф бўлган тошмалар хос бўлди. Болаларнинг ҳам 15,9% (23) га мономорф тошмалар, 84,1% полиморф тошмалар тошди. Касалликнинг атипик шаклда кечиш эҳтимоли болаларга нисбатан катталарда ишонарли равишда 8 баробарга юқори бўлди (ИН=8,6; 95% ИИ - 4,6-15,9) (Йейтс тузатиши билан $\chi^2=50,3$; $p<0,001$).

Хулоса: Андижон вилоятида сувчечак билан умумий касалланишнинг 62,0% болалар ташкил қилади. Катталарда сувчечак 100,0% ҳолатларда иситма, интоксикация синдроми устунлиги билан, 29,2% ҳолатларда оғир шаклда кечади. Болаларнинг 15,9% ҳамда катталарнинг статистик ишонарли равишда катта қисмида (61,8%) касаллик мономорф везикулалар тошиши билан кечди.